



2020 у « 8 » ИЮНЬ

№ Қ-254

« » 20 г

Жарқўрғон тумани “Сувоқова” ишлаб чиқариш ва сотиш унитар корхонасига аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида объектлар қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 15 майдаги 03-02/233-сонли йиғилиш баёни ва Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 24 апрелдаги 59/03-29-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 15 майдаги 03-02/233-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Сувоқова” ишлаб чиқариш ва сотиш унитар корхонасига тумандаги “Камар” маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 324қ-дала контуридаги 0,09 гектар, “Обихаёт” маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 248қ-дала контуридаги 0,05 гектар ва 294қ-дала контуридаги 0,06 гектар ҳамда “Пахтаобод” маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 105қ-дала контуридаги 0,5 гектар аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида объектлар қуриш учун жами 0,7 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонқулов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов